РЕСПУБЛИКАИХТИСОСЛАШТИРИЛГАНОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ЗАХИРОВА НАРГИЗА НЕЪМАТОВНА

МАҲАЛЛИЙ ТАРҚАЛГАН БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИДА КИЧИК ТОС АЪЗОЛАРИ ЭКЗЕНТЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИН ТОС ТУБИНИНГ ХИРУРГИК РЕКОНСТРУКЦИЯСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ

14.00.14 - Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ -2019

УЎК: 618.146-006.6:616.381-089/85

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Захирова Наргиза Неъматовна
Маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндашиш..... 3

Захирова Наргиза Неъматовна
Новые подходы к хирургической реконструкции тазового дна при местно-распространенном раке шейки матки после экзентераций органов малого таза..... 29

Zakhirova Nargiza Nematovna
New approaches to surgical reconstruction of pelvic floor(diaphragm) in locally advanced cervicalcancer..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 57

РЕСПУБЛИКАИХТИСОСЛАШТИРИЛГАНОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ЗАХИРОВА НАРГИЗА НЕЪМАТОВНА

МАҲАЛЛИЙ ТАРҚАЛГАН БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИДА КИЧИК ТОС АЪЗОЛАРИ ЭКЗЕНТЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИН ТОС ТУБИНИНГ ХИРУРГИК РЕКОНСТРУКЦИЯСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ

14.00.14 - Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ -2019

Фан доктори (DSC) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Tib326 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати иккитилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ходжаев Абдувохид Валиевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Султанов Саидазим Насирович тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Исламбекова Зулфия Астанакуловна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Н. Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази Федерал Давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04.12.2018. Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг2019 йил **«__»** _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади**.** (Манзил: 100110, Тошкент ш, Фароби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@ronc.uz.).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100110, Тошкент ш, Фароби, 383. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-29-78.

Диссертация автореферати 2019 йил«_ __» ___ _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «_ __» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М. А. Гафур-Ахунов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгашраиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. А. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
Илмийкенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

М. Х. Ходжибеков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ(докторликдиссертациясианнотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриати.Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра тос тубида жойлашганхавфли ўсмалар (ХЎ) жаҳон бўйлаб саратон касаллигига чалинганлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Муаллифларнинг келтиришларича «....50-75% кичик чаноқ бўшлиғи аъзолари хавфли ўсмасига бирламчи ташхис қўйилган ҳолатларда маҳаллий миқёсда тарқалган бўлади, шу сабабли маҳаллий тарқалган кичик чаноқ бўшлиғи аъзолари хавфли ўсмасини жарроҳлик муолажаси билан даволашдан кейин 5 йил яшаш кўрсаткичи 27,2% дан ошмаслиги келтирилган...»[1]Бачадон бўйни саратони маҳаллий тарқалган ва бошланғич шакллари билан касалланган беморларни даволаш кўп ҳолларда ечилмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Бир вақтнинг ўзида ўсма жараёнида бир нечта тос аъзолари, биринчи навбатда сийдик йўллари, ички ички жинсий органларватўғри ичакиштирокэтганда, тос аъзолари тотал экзентерациясига(ТАЭ) қадар кенгайтирилган мультивисцерал тос аъзоларини резекция қилиш керак бўлади. ТАЭ операциялари юқори техник мураккаблик ва қийинлиги, беморнинг организмига таъсири жиҳатидан жуда шикастловчи операцияҳисобланади ва «юқори агрессив» жарроҳлик аралашуви олиб келиши бугунги кунда фертил ёшдаги аёлларнинг онкология соҳасининг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борададунёда бачадон бўйни саратонининг касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикасини ва сўнггибеш йилликда касалланиш даражасини башоратлаш, тос аъзоларининг олдинги экзентерациясидан кейин реконструктив жарроҳликнинг янгиусулларини ишлабчиқишдан иборат. Тос аъзоларининг олдинги экзентерациясидан кейин сийдик пуфагига ўсиб кирган маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларни бевосита даволаш натижаларини яхшилаш, маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларда қон ва иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш, тос аъзоларининг олдинги экзентерациясидан кейин маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини ва узоқ муддатли натижаларини даволашга қаратилган мақсадли жаррохлик амалиётини оптимал усулларини танлаш ва самарали янгича даволаш усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хавфли ўсма касалликларининг профилактикаси,эрта босқичларда аниқлаш ва

[1]World Health Oganization – Cancer Country Profiles, 2018.

стандартларга мос равишда даволашни мукаммаллаштириш борасида бир қатор йўналишлар тизими ишлаб чиқилган.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида«...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»[2] вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўсма касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866–сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациямавзусибўйичахорижийилмийтадқиқотларшарҳи[3].Ма ҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндошишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University Northwestern; Oxford University, University of Washington;Pennsylvania Hospital, University of Kansas, University of Washington (АҚШ);Academy of Medical Sciences,Chongqing Medical University, Sichuan University (Хитой);University of Verona (Италия), Institut Gustave-Roussy (Франция),

---

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

[3]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.northwestern.edu;www.english.cams.cn;www.cqmu.edu.cn;www.muhs.ac.in;www.gustaveroussy.frwww.uphs.upenn.edu; https://www.ichilov-israel.com/utm_source=google&utm_medium; http://www.medical-express.ru/clinics/lechenie-v-germanii/frankfurt-na-maine;http://www.medical-express.ru/clinics/lechenie-v-grecii/interbalkan;http://www. medical- express.ru/clinics/lechenie-v-indii/klinika-indii-apollo ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган

University of Graz (Австрия), Gazi University (Туркия), University of Ottawa (Канада), University of Tokyo (Япония); University of Edinburgh (Англия); Norwegian University of Science and Technology (Норвегия); Universidade Estadual Paulista (Бразилия); Maharashtra University (Ҳиндистон);Н.Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази Федерал Давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси); Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндошувларни татбиқ қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: бачадон бўйни ўсмасининг маҳаллий тарқалган турида экзентрациядан кейин аёлларнинг ярмидан кўпида ҳаёт тарзининг самарали тартибда сақланиши асосланган (Northwestern University, (АҚШ); бирламчи ва қайталанувчи ўсмаларда тос аъзолари хирургик амалиётдан кейин яшаш тарзининг сақланиши исботланган Chinese Academy of Medical Sciences, (Хитой)бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерацияси лапароскопик усул ёрдамида операциясидан кейин қайталаниш ва асоратларининг йўқолиши асосланган Chongqing Medical University, China; бачадон бўйни ўсма касалликларининг маҳаллий тарқалишини кимиёвий усуллар ёрдамисиз лапароскопик усул ёрдамида даволаш тизими исботланган Maharashtra University (Хиндистон); бачадон бўйни ўсма касалликларини аденокарциномасини қайталанишини хирургик даволашда роботлаштирилган лапароскопик хирургик амалиётнинг ахамияти исботланган Pennsylvania Hospital, (АҚШ); замонавий йирик технологияларга эга бўлган лапаскопик тиббий жиҳозлар ёрдамида бачадон бўйни ўсма касаллигини лапароскопик операциядан кейинги тез ва узоқ муддатлардаги ижобий натижалари исботланганInstitut Gustave-Roussy (Франция); операциядан олдинлейкоцитлар, тромбоцитлар ва камқонликнинг хусусиятлари ўрганилган,метастазлар бермаганлиги асосланган Medical University of Graz (Австрия); пролиферацияни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг гепато, сплено ва нефротоксик таъсири аниқланган (Universitat Autonoma de Barcelona (Испания); Division of Hematology-Oncology, Ewha Womans University, (Корея); ўсма касалликларни ривожланишининг молекуляр-генетик механизмлари ҳамда касалликни даволашда дори воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш механизми яратилган (Онкология илмий маркази, Россия Федерацияси); маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндошиш тизими такомиллаштирилган (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндашиш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор

йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: атроф-муҳит ва иш шароитида аёллар организмига ножўя таъсирга эга кимёвий моддаларнинг канцерогенлик хавфини асослаш; ўсмалар ўсишининг молекуляр генетикаси, ўсмаларнинг микромуҳитини ўзгаришини олдини олишга қаратилган тизимни ишлаб чиқиш; тос аъзоларининг экзентерациясидареконструктив босқичнинг замонавий усулларини ишлабчиқиш; маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони билан касалланган беморларнингтос аъзолариэкзентерациясидан кейин даволаш самарадорлигини оширишда жарроҳлик амалиётининг оптимал усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонини (МТББС) даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш самарадорлигига эришиш мақсадида 70 йил мобайнида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (H.Sardain ва ҳаммуал.,2015). Сўнгги йиллардаТАЭ ривожланаётган йўналиш бўлиб, бутун дунёдаги кўплаб онкологик муассасаларнинг арсеналига қатъий киритилди. Бироқ, ТАЭ ҳақида тирик қолиш эҳтимоллиги паст ва нисбатан шикастловчи операция сифатида қараш мавжуд. Ушбу операцияга ҳозирги муносабатнинг муҳим сабаблари унинг техник мураккаблиги, онкологлар томонидан жарроҳликнинг реконструктив босқичи аҳамиятини баҳолаш камлигини, тос туби қаватларини қайта тиклаш усуллари ҳақида ҳамда ўлимга олиб келадиган ингичка ичак тутилишлари, ингичка ичак оқмаси ва тос абсцесслари каби асоратларни олдини олиш тўғрисида кам маълумотга эга эканлиги ҳисобланади(S.Tanaka ва ҳаммуал.,2013). Лекин ТАЭ дан кейин ингичка ичак тутилиши билан боғлиқ энг муҳим омил J.W. Jr. Orr ва ҳаммуал. фикрига кўра, олдиндан нурланган ичакда ингичка-ингичка ичак анастомозининг етишмовчилиги деб баҳоланди. Уларнинг таъкидлашича, бу ҳолатни нурланиш оқибатида перитонеал қопламдан холи тос деворлари билан контакти ва зич битишмалар шаклланиши билан боғлиқ. Муаллифларнинг фикрига кўра, кондуит шакллантириш учун кўндаланг йўғон ичак сегментидан фойдаланиш ингичка ичак тутилиши хавфини камайтиради.Қўшни аъзоларга инвазия билан маҳаллий тарқалган ўсма жараёнида жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш «операция қилинмаслик» мезонларини ўзгартиради, тос аъзолари турли хил экзентерацияси, комбинирланган ва циторедуктив операциялар йўли билан радикал даволаш усуллари учун кўрсатмаларни кенгайтиради ва беморлар сонини оширади (H.J.Yoo ва ҳаммуалл.,2005). Бир мунча вақтгача ушбу операция танқиднинг муҳим объекти бўлишига қарамасдан, ҳозирги вақтда у бошқа даволаш усуллари ёрдам бера олмайдиган беморларнинг ушбу қисмини даволаш учун танлов усули сифатида эътироф этилмоқда(F.T. Ferenschild,2009).

Кўп ҳолларда доимий ичак ва сийдик стомаси мавжудлиги сабаб тос аъзоларидаги қўшма операциялар кейин ногиронлик юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, анестезиология ва интенсив терапия, хирургик аралашувлар техникаси ривожланганлигининг замонавий даражасини эътиборга олган ҳолдабир вақтнинг ўзида реконструктив жарроҳлик усулларига алоҳида

эътибор бериш керак, бу кўп жиҳатдан беморнинг ҳаёт сифатини белгилайди.

ТАЭнинг реконструктив босқичи сийдик ва нажасни чиқариш учун ичак ва сийдик стомаларини шакллантириш ёки агар иложи бўлса, табиий ўтишни тиклаш учун реконструктив операцияларни бажариш (К.А.Ильин,2013) ва шунингдек, тос тубини қайта тиклашдан иборат.

Мамлакатимиз ҳам истисно эмас, чунки бачадон бўйнининг хавфли ўсмалари билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари, афсуски, ортиб бормоқда. Шундай қилиб, 2016 йилда республикада янги ташхис қўйилган бачадон бўйни саратони билан касалланган беморларнинг сони 1465 тани ташкил этди, 100 минг киши учун бачадон бўйни саратони даражаси – 4,6. Бачадон бўйни саратони билан оғриган беморларнинг беш йиллик ҳаёт тарзикўрсаткичлари, асосан, касалликнинг охирги босқичларида беморларни аниқланишини ҳисобга олган ҳолда, I босқичда яшовчанлик даражаси 85-90% бўлса, III босқичда 30-35% гача кескин пасаяди.Ўлим ва асоратларнинг пасайиши қайд этилди, 5 йиллик яшовчанлик кўрсаткичлари умидли ўзгармоқда. Айниқса шуниси муҳимки, тос экзентерацияси ўтказган беморлар реабилитацияси тугагач соғлом турмуш тарзига олиб боришмоқда ва меҳнат фаолиятида иштирок этишмоқда(М.Н.Тилляшайхов,2010).

Юқорида таъкидланганларнинг барчаси маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони (МТ ББС) билан оғриган беморларни юқори даражада самарали жарроҳлик билан таъминлаш, ҳаёт кўрсаткичлари ва узоқ муддатли натижаларни яхшилаш мақсадида экзентерациянинг реконструктив босқичини такомиллаштириш муаммоси соғлиқни сақлашнинг устувор ва долзарб йўналиши сифатида белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсадимаҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш орқали даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида бачадон бўйни саратонининг касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикасини аниқлаш ва кейинги 5 йил давомида касалланишни башоратлаш;

тос аъзоларининг олдинги экзентерациясидан кейин реконструктив жарроҳликнинг янгиусулларини ишлабчиқиш вақиёсий жиҳатдан баҳолаш;

тос аъзоларининг олдинги экзентерациясидан кейин сийдик пуфагига ўсиб кирган маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларни бевосита даволаш натижаларини таҳлил қилиш;

жарроҳлик даволанишнинг барча босқичларида маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларда қон ва иммунитет кўрсаткичларини баҳолаш;

тос аъзоларининг олдинги экзентерациясидан кейин маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш;

тос аъзоларининг олдинги экзентерациясидан кейин маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларнинг узоқ муддатли натижаларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг объектисифатидаРеспублика ихтисослашган Онкология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси ва унинг Тошкент шаҳридаги филиалида (2005-2017йй) даволанган 141 нафар маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони касаллиги бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предметисифатида клиник-лаборатория кўрсаткичлари натижалари, бачадон бўйни саратонининг касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини баҳолаш, беморларнинг иммунитет тизимида ҳужайрали ва гуморал кўрсаткичларини баҳолаш, беморлар ҳаёти сифатини ошириш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Қўйилган вазифаларни ҳал этишдарентгенологик, клиник лаборатор, ультратовуш, морфологик, иммунологик, нурли ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонининг бирламчи вақайталанган ҳолларида жарроҳлик усулининг реконструктив босқичини оптималлаштириш ёрдамида янги услубий ёндашувлар ишлабчиқилган;

тос аъзолари экзентерацияси жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони билан касалланган беморларни танлашмезонлари, жумладан, ўсма ҳажмининг 5 см дан катта бўлиши, лимфа тугунларига метастаз бериши ва ўсма резекцияси чеккалари ҳолатининг аҳамияти такомиллаштирилган;

тос аъзолари экзентерациясидан сўнг реконструктив-пластик жарроҳлик усулларига ёндашиш такомиллаштирилган;

бўш тос тубини тери кесмасибилан пластикасини амалга ошириш ёрдамида жарроҳлик амалиётининг бевосита асоратлари камайиши ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари яхшиланиши исботланган;

тос аъзолари экзентерациясидан сўнг чаноқ туби дефектини ёпиш учун ўтказиладиган турли реконструктив-пластик жарроҳлик усулларининг қиёслаш асосида янги услубий тавсияларяратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тос аъзоларининг экзентерациясидан кейин сийдик пуфагига ўсиб кирган маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларни жарроҳлик даволашнинг реконструктив босқичида дифференциал ёндашувлар ишлаб чиқилган;

маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонининг рецидивловчи ва персистрловчи турларида тос аъзолари экзентерациясига кўрсатма ва қарши кўрсатмалари оптималлаштирилган;

сийдик қопига ўсиб кирган, маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони билан касалланган беморларнинг даволаш сифати ва самарадорлигини ошириш, жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитацияни яхшилаш мақсадида амалиётдан олдинги тайёргарлик такомиллаштирилган, энг мақбул анестезиологик усул баҳоланган;

маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, бевосита ва узоқ муддатли натижалар кўрсаткичларини, беморлар витал прогнозни яхшилаш мақсадида тос

аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубини реконструкциясининг янгича услуби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник-экспериментал, функционал, биокимёвий, иммунологик, морфологик ва статистикусулларёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек,маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндошишбўйича олиб бориш тартиби, халқаро, ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўшни аъзоларга ўсиб кирган маҳаллий тарқалган тос аъзолари хавфли ўсмаларида конструктив-тикловчи операцияларни қўллаш билан боғлиқ билим соҳасини кенгайтиришдамуҳим ҳисса қўшувчи назарий аҳамиятга эга.Ўтказилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини аҳолига тиббий ёрдамини такомиллаштириш масалаларига тўлиқ жавоб беради. Тос органларининг экзентерациясидан кейин сийдик пуфагига ўсиб кирган маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларни жарроҳлик даволаш ва операциянинг реконструктив босқичида дифференциал ёндашувлар ишлаб чиқилган, уларнинг даволаш сифатини оширади, бевосита ва узоқ муддатли натижалар ва беморларда витал башоратни яхшилайди. Ўрганилган беморлар гуруҳида жарроҳликка тайёрлаш ва анестезиологик қўлланма оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, илмий ва амалий моҳиятга эга бўлган янги ёндашувларишлаб чиқилди, улар маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморларнидаволаш самарадорлигини ошириш ва реабилитацияси билан боғлиқ кўплаб илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш учун қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларинингжорий қилиниши. Маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндошишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Онкологияда тос аъзолари экзентерацияси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15ноябрдаги 8н-р/219-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма бачадон саратонига олиб келувчи етакчи омилларни, ривожланиш механизмини баҳолаш, касалликни эрта ташхислаш ва экзентерация усулларини такомиллаштириш имконини берган;

«Маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони клиник хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15ноябрдаги 8н-р/219-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма

маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони клиник хусусиятларини мукаммал таҳлил қилиш вазамонавий хирургик усулини жорий қилиш ва хирургик амалиёти самарасини такомиллаштириш имконини берган;

маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндошувни ишлаб чиқиш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази онкология ва радиология марказининг Сирдарё ва Фарғона вилояти филиаллари маҳаллий диспансер бўлимларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20февралдаги 8н-з/16-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони билан касалланган беморларнинг ремиссияси ва умрини узайтириш муддатларини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГАСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерацияси»** деб номланган биринчи бобида абдоминал аъзоларнинг, хусусан, бачадон бўйни саратони билан оғриган маҳаллий хабардор ўсмаларни ташхислаш ва даволаш мезонларини қамраб оладиган адабиёт манбалари, тос аъзолариэкзентерациясининг тарихий жиҳатлари батафсилтаъкидланган,айни пайтда маҳаллий тарқалган бачадон

бўйни саратони бўйича беморларнидаволаш ва ташхислашнинг илғор замонавий мавжудлиги, бевосита ва узоқ муддатли натижалари тасвирланган.

Диссертациянинг**«Клиник материал ва усулларнинг тавсифи»** деб номланган маҳаллий тарқалган бачадон саратони билан касалланган беморлар учун ташхислашда ишлатилган усуллар ва даволаш алгоритми батафсил баён қилинади. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология бўйича илмий-амалий марказида (РИОваРИАТМ) ва Тошкент шаҳар филиалида2005-2017 йилларда стационар даволанганмахаллий таркалган бачадон бўйни саратони (МТ ББС)$T_{2b-4a}N_{0-1}M_0$ босқичли ўсиши билан билан касалланган 141 беморларни ўрганишга асосланган. Тадқиқ этилган барча беморлар 2 та асосий ва назорат гуруҳга бўлиниб, асосий гуруҳ 3 кичик гуруҳга бўлинди.

Назорат гуруҳи 62 (43,9%) бемордан иборат бўлиб, уларда тос туби пластикаси бажарилмаган ҳолатда тос органларининг олдинги экзентерацияси ўтказилган; тадқиқот касаллик тарихларининг ретроспектив таҳлилига асосланган. Асосий гуруҳ учта кичик гуруҳга бўлинган: 1-кичик гуруҳ - 32 (22,7%) беморларда олдинги экзентерациядан кейин бир вақтнинг ўзида тос туби мушак кесмаси билан қайта тикланган; 2-кичик гуруҳ - олд экзентерация қилинганидан кейин тос туби пластикаси катта корин парда билан ўтказилган 21 бемордан иборат; 3-кичик гуруҳ - тос туби тери кесмаси билан реконструкция қилинган 26 та беморлар ташкил қилди.

ЖССТ таснифи кўра (2012), беморлар 3 гуруҳга бўлинди, беморлар ёши 32 дан 61 ёшгача бўлди, ўртача ёш 47,1; улардан 68 (48,2%) таси ўрта ёшли ва 26 (18,4%) таси қарилар. Ўсма морфологик тузилишига кўра беморлар қуйидагича бўлинди: 122 (86,5%) та G2 ва G3 дифференцировка билан ясси ҳужайрали карцинома , 18 беморда (12,7%) аденокарсинома ва фақат битта беморда - мезонефроид саратон аниқланди - 4,8% .

Текширилган 56 (39,1%) беморда бир вақтнинг ўзида бир неча йўлдош патология аниқланди: жумладан гипертония касаллиги, юрак ишемик касаллиги, стабил стенокардия 87 (61,7%) беморларда, оёқ веналари варикоз кенгайиши 33 (23,4%) беморда, турли даражали анемия 92 (65,2%) беморларда кузатилди, эндокрин касалликлар 88 (62,4%) беморларда аниқланди, шу жумладан, 9 (6,4%) беморда қандли диабетнинг 2-тури ва 79 (56%) беморда семиришнинг II ва III даражаси кузатилди, 88 (62,4%) беморда ремиссия давридаги сурункали буйрак касаллиги, 102 (72,3%) беморда сурункали холецистит, 32 (22,7%) беморда сурункали гепатит аниқланди.

Беморлар касалликнинг босқичларига кўра қуйидагича тақсимланди: 57 (40,4%) – IIБ босқич (T2bN0-1M0); 42 (29,8%) – IIIA босқич (T3aN0-1M0); 30 (21,3%) –IIIB (T3bN0-1M0), 12 (8,5%) беморда текширув вақтида касалликнинг IVA босқичи эди (T4aN0-1M0). Тадқиқ қилинган беморларнинг кўпчилиги IIБ(T2bN0-1M0) билан - 40,4%, камқисмикасалликнингIVAбосқичи бўлган беморлар - 8,5% ни ташкил этди. Барча беморларда даволаш фонида 6 ойдан 3 йилгача вақт-вақти билан касаллик рецидиви кузатилди, кимётерапия ва/ёки нурли даволаш давомида ўсма ўсиши давом этганлиги кузатилди.

Ҳар кунлик касаллар кўриги ўтказилди, касаллик клиник кечиши хусусиятлари, ҳарорати ўзгаришлари, интоксикация симптомлари баҳоланди ва қайд қилиб борилди. Биопсия ва жарроҳлик материалларининг патоморфологик хулосаси ўсмаларнинг халқаро гистологик таснифи бўйича (Халқаро Онкологик касалликлари классификацияси, 1995 й.) амалга оширилди. Ўсманинг охирги морфологик тузилишини аниқлаш барча беморларнинг операциядан кейинги материалида ўтказилди.

Фиброэзофагогастродуоденоскопия (ФЭГДС) «Pentax» (Япония) аппаратида ўтказилди, қизилўнгач ва ошқозоннинг ҳолатини баҳолаш, юқорида кўрсатилган органларда ярали ёки инфилтрацион ўзгаришлар мавжудлиги учун амалга оширилди.

Фиброколоноскопия (ФКС) ҳам «Pentax» (Япония) аппаратида ўтказилиб, ўсма жараёнига йўғон ичак қўшилганлиги ва унинг бошқа касалликларини аниқлаш имконини берди.

Ирригоскопик текширув ўсма жараёнига йўғон ичак ҳам қўшилганлигигашубҳа бўлган барча беморларда ўтказилди. Ушбу текширувни ўтказиш учун «Siemens» (Германия) фирмасининг видео назоратга эга «Sireescope» рентгенодиагностик қурилмаси қўлланилди. Ирригоскопик текширувда икки томонлама контрастлаш усули қўлланилди, яъни барий эритмаси ретроград киритилиши билан бирга ичаклар инсуфляцияси ўтказилди.

Буйраклар экскретор функциясини аниқлаш учун, ўсма инфильтрацияси туфайли сийдик йўллари деструкцияси ва/ёки деформациясини аниқлаш учун барча 141 (100%) беморда тана оғирлигига қараб вена ичига контраст препарат (Урографин - 76% - 20 мл; Тразограф - 76% - 20 мл) юбориш билан экскретор урография ўтказилди. Текширув «Siemens» (Германия) фирмаси «EDR-750 BC» аппаратида ўтказилиб, текширувнинг 7-, 15-, ва кўрсатмаларга кўра 60-дақиқасида контраст модда чиқарилиши назорат графиги бўйича белгиланди.

Қорин бўшлиғи аъзолари, ретроперитонеал бўшлиқ ва кичик тос аъзоларининг ультратовуш текшируви «SonoScope-3O» (Германия) аппаратида ультратовушли диагностика бўлимида ўтказилди. Компютер томографияси «Siemens» (ФРГ, 1998) фирмасининг SOMATOM AR TX аппаратида 5 мм томография кесимлари билан РИОваРИАТМ нурли диагностика ва компьютер томография бўлимида ўтказилди.

Иммун статус 141 нафар беморда ҳужайрали ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари ёрдамида ўрганилди, яъни: лимфоцитлар фоиз улушини аниқлаш; Т ва В-лимфоцитлар миқдорини аниқлаш; Т-лимфоцитлар субпопуляцияларини - Т-хелпер ва Т-супрессорларни аниқлаш; иммун тизими ҳужайралари фенотипи Ф. Ю. Гариб ва ҳаммуал. (1988) усулида «Сорбент-LTD» ишлаб чиқаришли CD3, CD4, CD8, CD25, CD95 ва бошқалар ёрдамида аниқланди.

Беморларнинг ҳаёт сифатини ўрганиш SF-36 анкетасини қўллаш орқали жисмоний, ижтимоий, ҳиссий ва руҳий фаолиятининг интеграл

кўрсаткичлари жиҳатидан даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ўтказилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакетини қўллаш орқали статистик ишлов берилди, ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Республикада вилоятлар бўйича маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва унинг яқин 5 йилда давомида башоратлаш»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида 2008 йилдан 2017 йилгача аёлларнинг ББС билан касалланиши ва ўлимини таҳлилига (1-расм), ҳамда кейинги 5 йил давомида Ўзбекистон Республикасида бачадон бўйни саратони билан касалланишни прогнозлашга бағишланган.РИОваРИАТМ статистик маълумотларига кўра юқори касалланиш даражаси (4,8 та 100 минг кишига) ва ўлим даражаси (2,6 та 100 минг кишига) бизнинг Республикада 2017 йилда кузатилди.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида МТ ББС билан касалланиш динамикаси 2008 -2017 йилларда (100 минг аҳолига нисбатан)

Кейинги 5 йил давомида республикада аёллар орасида бачадон бўйни саратони билан касалланишбашорати математик ҳисоб-китобларга асосланади, унга мувофиқ 2019 йилда бачадон бўйни саратони билан оғриган беморларнинг кўрсаткичи 4,9ни ташкил қилади; 2020 йил – 4,7; 2021 йилда – 4,4; 2022 йилда – 4,7; 2023 йилда – 4,6. Башоратнинг аниқлиги юқори, чунки ўртача нисбий хатолик 10% дан камроқдир. Аммо башоратлаш фақат ўрганилган давр учун хос бўлиб, узоқ муддатли касалланишни аниқланишига асосланади ва келажакдаги бўлиши мумкин бўлган хавф омиллари фаолиятидаги атипик ўзгаришларни эътиборга олмайди.

Диссертациянинг «**Маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони клиник кечиш хусусиятлари»** тўртинчи бобида ўрганилган беморларнинг

батафсил клиник хусусиятлари, бачадон бўйни саратонинингривожланиши учун асосий хавф омиллар, маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони билан беморларда иммунитетнинг қайта қурилиши хусусиятлари, иммун тизими бузилишлари даражаси, маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратони патогенезида яллиғланишга оид цитокинларнинг ўрни тасвирланган.Бачадон бўйни саратони клиник кўриниши жуда хилма-хилдир, чунки у кўпинча жинсий органларнинг бошқа касалликлари билан бирга келади, уларнинг белгилари бачадон бўйни саратони белгиларига ўхшаш бўлади.

Назорат ва асосий гуруҳлари беморларида энг кўп кольпит кузатилди 41 (66,1%) ва 47 (59,5%) ҳолатларда, кейинги ўринда жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари учраш частотаси кўп бўлди. Тадқиқ қилинган назорат гуруҳ беморларнинг ярмидан ортиғида метроэндометрит ва аднексит кузатилди – 34 (54,8%) и 36 (58,0%), асосий гуруҳ беморларида 29 (36,7%) ва 38 (48,1%), мос равишда. Назорат гуруҳидаги беморларда миома ва бачадон аденомиозининг кўрсаткичлари 45,2% ва 33,9% ни ташкил этди, асосий гуруҳдаги беморлар орасида 26,5% ва 37,9% кузатилди.

Бачадондан дисфункционал қон кетиши (БДҚК) назорат гуруҳида 35 беморда (56,5%) ва асосий гуруҳидаги 32 беморларда (40,5%) кузатилди. Тухумдонлар кистоз ҳосилаларикўп кузатилмади, назорат гуруҳи ва асосий гуруҳларда 12 (19,4%) ва 15 (18,9%) беморларда қайд этилди.Беморларнинг тез-тез учрайдиган шикояти жинсий алоқадан сўнг жинсий йўллардан қон кетиши бўлди, назорат гуруҳи ва асосий гуруҳдаги беморларда сезиларли фарқ кузатилмади - 58 (93,5%) ва 73 (92,4%). Жинсий йўллардан қон кетиши кўпинча ациклик характерли бўлди, назорат гуруҳи беморларидан 37 (59,7%) тасида кузатилди, асосий гуруҳдаги беморларнинг 62 (78,5%) таси бу симптомдан шикоят қилишган. Жинсий органлардан ёқимсиз ёки сассиқ ҳидли сув ажралишига касаллик янада ривожланган босқичларига чалинган беморлар шикоят қилдилар, назорат гуруҳида ва асосий гуруҳда бу кўрсаткичлар мос равишда 49 (79%) ва 53 (67,1%) бўлди.

Тадқиқ қилинган беморларда ўсманинг сийдик пуфагига ўсиб кирганлигининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, назорат гуруҳидаги 59 (95,2%) ва асосий гуруҳдаги 69 (87,3%) беморлар сийиш қийинлашганлигига, сийиш пайтида ачишга, сийдик пуфаги тўлиқ “бўшамаслик ҳисси” га шикоят қилишди. Бачадон бўйни саратонининг умумий симптомларига умумий ҳолсизлик, тез чарчаш, иш фаолиятини камайиши, бош айланиши киради.

Бачадон бўйни саратони учун кўпроқ хавф омиллари ВИЧ инфекциясининг, хусусан 16 ва 18 турининг мавжудлиги, чекиш (кунига 10 дан ортиқ сигарет), жинсий алоқа шерикларининг тез-тез алмашиниши, жинсий алоқада ўтадиган инфекциялар, оғир акушерлик анамнези (асоратланган туғруқда бачадон бўйнининг ёрилиши ва жароҳатланиши), шунингдек, бачадон бўйни фон касалликлари мавжудлиги (кўпинча даволанмаганда). ОИВ инфекциясининг, хусусан 16 ва 18 турининг мавжудлиги биз текширган беморлардан назорат гуруҳида 56 (90,3%) беморда, асосий гуруҳда 71 (89,9%) беморда кузатилди.

1-жадвал

Текширилган МТ ББС бўлган беморларда ҳужайравий иммунитетнинг айрим кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	НГ(n=30)	Қиёсий гурух(n=62)	Асосий гуруҳ (n=79)
Лейкоцитлар $\cdot 10^9$/л	4,19+0,21	6,83±0,18***	8,83±0,43***^^^
Лимфоцитлар $\cdot 10^9$/л	1,31±0,11	2,31±0,09***	2,89±0,07***^^^
Лимфоцитлар %	31,19±1,36	31,99±1,08	40,41±5,31
Т-лимфоцитлар $\cdot 10^9$/л	0,75±0,09	0,99±0,08	1,33±0,05***^^^
Т-лимфоцитлар, %	57,87±5,78	89,11±4,38***	66,29±8,33^
CD4+(Т-хелперлар) $\cdot 10^9$/л	0,25±0,09	0,64±0,025***	0,31±0,02^^^
CD4+(Т-хелперлар), %	34,89±2,67	41,22±2,62	51,14±3,98***^
CD8+(Т-супрессорлар), %	27,3±0,41	22,11±0,22***	23,18±0,91***^
ИРИ	1,32±0,22	2,08±0,05***	2,56±0,03***^^^

Эслатма: * - фарқ назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан муҳим (*** - P <0.001), ^ - 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқ муҳим (^ - P<0,05, ^^^ - P <0,001)

Назорат гуруҳда чекиш ва тартибсиз жинсий ҳаёт кечириш асосий гуруҳдаги беморларга қараганда деярли 2 баробар кўп бўлди, 46,8% ва 43,5% ни ташкил этди, бу кўрсаткичлар асосий гуруҳда 24% ва 17,7% ни ташкил этди. Бачадон бўйидаги фон касалликлари назорат гуруҳида 47 (75,8%) беморда, асосий гуруҳда 57 (72,2%) беморда қайд этилди. Одам папилломавируси (ОПВ) дан ташқари беморларда жинсий йўл билан юқадиган бошқа инфекцияларнинг (ЦМВ, уреаплазма, хламидиоз, оддий герпес вируси 2 типи) синергизми кузатилди: назорат гуруҳда 45 (72,6%) ва асосий гуруҳда 37 (46,8%) беморларда. Назорат гуруҳидаги аёлларда асоратланган туғруқ тахминан 2 баробар кўпбўлди, 51 (82,3%) беморларда, асосий гуруҳда ушбу омил 38 (48,1%) беморда кузатилди.

МТ ББС билан беморлар ва соғлом аёлларнинг периферик қон таҳлили кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинганда, асосан гемоглобин кўрсаткичлар ўртасида фарқ кузатилди, МТ ББС беморларда гемоглобин камайиши кузатилди: назорат гуруҳи - 81,9±0,8г/л, асосий гуруҳ - 80,1±2,8 г/л ни ташкил қилади, бу асосан жинсий аъзолардан вақти-вақти билан қон кетишидан келиб чиқади.

Иммун статус асосий кўрсаткичлари билан иммун бузилишлар даражасини (ИБД) ҳисоблашдатурли кўрсаткичлар бўйича таққослаш гуруҳи беморларида II-III даражалиИБД 8% дан (Т-супрессорлар бўйича) 43% гача

кузатилди, асосий гуруҳ беморларида эса деярли барча ўрганилаётган кўрсаткичларда 30-62% беморларда иммунитет кўрсаткичлари бузилганлиги аниқланди.

2-жадвал

МТББС билан оғриган беморларда гуморал иммунитет кўрсаткичларидаги ўзгаришлар

Кўрсаткичлар	НГ(n=30)	Қиёсий гуруҳ (n=62)	Асосий гуруҳ (n=7 9)
Б лимфоцитлар,%	13,2±0,42	17,3±0,17***	19,9±0,19***^^^
Б лимфоцитлар · 10^9/л	0,45±0,07	0,86±0,09***	0,64±0,013**^
IgA (г/л)	2,93±0,09	5,89±0,07***	8,58±0,10***^^^
IgM (г/л)	1,66±0,08	1,96±0,09*	3,86±0,0***^^^
IgG (г/л)	15,98±0,51	19,47±0,36***	21,87±0,84***^^
ЦИК, УЕ	50,0±2,5	127,6±2,3***	176,5±3,9***^^^

Эслатма: * - фарқ назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан муҳим (* - P < 0,05, *** - P <0.001), ^ - 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқ муҳим (^ - P <0,05, ^ ^ - P <0, 01, ^^^ - P <0.001)

Гуморал звенода IgA нинг III даражасига қадар кўпайиши назоратгуруҳибеморларининг 100% кузатилди, IgG нинг 1-даражали ортиши 41,0% беморларда ва 40,0% беморларда 2-даражали ортиши кузатилди.

МТ ББС ҳолатларида, иммуноглобулин А миқдори қонда кўпайганлигини (2,0-2,9 марта анъанавий қийматдан ортиқ бўлганлигини) аниқладик.

Шуни таъкидлаш керакки, гемо- ваиммунограммаларнибаҳолашклиник кўриниш ва иммунитет бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда А.М.Земсковнинг формула бўйича ҳисобланиши керак:

$$SE = \frac{Рис - Рт}{Рис} - \frac{Рис - Рм}{Рис} \cdot 100\%$$

Бунда бузилишлар 3 даражали бўлиши мумкин: 1 даражаси - 1-33% (иммунокоррекция керак эмас) ва 2 даража - 34-66%, 3 даража - 66% ортиқ (2 ва 3 даражада мажбурий иммунокоррекция талаб қилинади).

Таққослаш гуруҳи беморларида диагностика қиймат коэффициентини ҳисоблашдан кўрсаткичлар ўзгариши рейтингини тузиш қўшимча маълумотлар берди, унинг асосида иммун тизими бузилишлари формуласи (ИТБФ) аниқланди, бу иммунитет звенолари бўйича иммун тизим гипо- ва гиперфункциясининг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради: $CD4_3^+CD3_3^+IgA^{3+}Вл^{3+}CD8_3^+$ $Лимф_3^+IgM_1^+IgG_1^+$.

Иммун тизими бузилишлари формуласи асосий гуруҳда қуйидагича шаклини олди: $CD4_3^+$В-лим.$_3^+IgA_3^+IgM_3^+CD8_3^+CD3_3^+Лимф._3^+IgG_1^+$.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз бачадон бўйни саратони билан оғриган беморларда ҳужайравий иммунитетда сезиларли ўзгаришларни

аниқлади, булар Т-лимфоцитлар, В-лимфоцитлар, Т-хелперлар сони ваиммунорегуляция индексининг пасайганда Т-суппрессорларнингкўпайиши билан намоён бўлади. Ушбу ўзгаришлар касалликнинг давомийлигига боғлиқбўлиб, таққослаш гуруҳидаги беморларга қараганда асосий гуруҳдагибеморларда кўпроқ аниқланди.

МТ ББС патогенезида цитокинлар муҳим ўрин ўйнайди. Цитокинлар тўқималарда организмнинг маҳаллий мудофаа реакцияларини турли хил қон ҳужайралари, эндотелий, бириктирувчи тўқима ва эпителий иштирокида ривожланишинитартибга солади. TNF-а яллиғланишга оид цитокин бўлиб, турли ҳужайралар томонидан ишлаб чиқарилади, шу жумладан фаол Т-ҳужайралар, кератиноцитлар ва Лангерганс хужайралари. TNF-а иммунитетни ривожлантиришга, яллиғланиш ҳужайраларининг фаоллашуви ва ишга туширилишига таъсир кўрсатади, IL-1, IL-6 ва IL-8яллиғланиш цитокинларини ишлаб чиқаришни кўпайтиради ва иммунитетни сақлаб қолиш учун NF-кВ каби ядро транскрипция омилларини фаоллаштиради. МТ ББС билан оғриган беморларда периферик қонда TNF-а ошиши ва TNF-а рецепторлари экспрессияси кузатилади. TNF-а кератиноцитларнинг in vitroпролиферациясиниоширади. Маълумотларга кўра, TNF-а кератиноцитларнинг апоптозини блоклайди ва МТ ББС билан оғриган беморларда кератино-цитларнинг кўпроқ умр кўришини таъминлайди . TNF-а васкуляризация жараёнларга таъсир қилади ва Т-ҳужайраси миграциясида иштирок этадиган эндотелиал адгезия молекулалари экспрессияси ошишига олиб келади.Бундан ташқари, TNF-а қон томирлари эндотелийси ўсиш омилини (VEGF) ишлаб чиқишини кучайтиради, бу қон томирларини кўпайишига олиб келади.

МТ ББС ривожланиши патогенезидаги асосий ўринни Т-ҳужайраларига, айниқса, CDS+ ҳужайраларига берилади, бу эса, жумладан, IL-1, IL-2, IL-10, TNF-а цитокинларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдам беради.Яллиғланиш цитокинлари IL -1 β ва TNF-а янги молекулалар ҳосил қилиш йўли билан метаболизмда муҳим рол ўйнайди, бу молекулалар фаол Т-ҳужайралар экспрессияловчи TNF-а рецептори ҳисобланади. Артритда пайдо бўладиган эрозив ўзгаришлар периферик қондаги остеокласт ўтмишдош-ларининг кўпайиши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, МТ ББС патогенезида яллиғланиш медиаторлари орасида TNF-а ва IL-1 муҳим рол ўйнайди.

Бизнинг тадқиқот натижаларига кўра, интерлейкин-1β 157,8 пкг/мл га кўтарилди ва бу юзаки шаклида кўрсаткичнинг 4,4 марта ошишини ташкил қилади ва асосий гуруҳдаги беморларда эса назорат гуруҳи билан таққослаганда 199,1 пкг/мл гача - 5,6 марта ошди. Таққослаш гуруҳидаги беморларда ўсма некроз омил (TNF-а) 1,28 баробар, асосий гуруҳдаги беморларда эса - 1,94 марта ошди. Шубҳасиз, жараён сурункалига ўтишивақтида цитокин кўрсаткичларининг ортиб бораётган қийматларининг аниқ тенденцияси мавжуд.

Бундай TNF-а ва IL-1 каби иммун реакцияси медиаторларнинг концентрациясини ўрганиш шуни кўрсатдики, МТ ББС билан оғриган

беморларда ўрганилаётган цитокинлар миқдори сезиларли даражада ошган (P<0,001). Маълумотларимиз қон томир тўқималарда бузилиш механизм-ларидаTNF-a ва IL-1 нинг аҳамияти ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради .

